

**ТИНЧЛИК ВА
БАРҚАРОРЛИК САРИ
МУХИМ ҚАДАМ**
ҚОЗОҒИСТОН ЮҚОРИ ДАРАЖАДА
БОЙИТИЛГАН УРАННИ
КАМАЙТИРИШ ТҮҒРИСИДАГИ
БАЁНОТНИ ИМЗОЛАДИ

МАГАТЭ Бош конференциясининг 64-сесияси доирасида Қозогистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Америка Құшма Штатлари Энергетика вазирлигининг Ядро хавфсизлиги миллий башқармаси томонидан юқори даражада бойитилган уранни камайтириш түғрисида Құшма баёнот имзоланды.

Маңсад – юқори даражада бойитилган уранни йүк қилиш ва ядро материалларини тарқатмасликдир. Лойихалар АҚШ ташкилотлари билан ҳамкорлықда амалға оширилмоқда, улар ушбу мұрakkab вазифани бажарыш учун Қозогистон ташкилоттарининг илмий-техник салоҳияти ва ваколаттарининг юксаклигини таъқидламоқда. Томонлар бу билан юқори даражада бойитилган уранни камайтириш, ядро хавфсизлигини таъминлаш ва ядро қуролини тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлаш бүйіча умумий мақсадларни құллаб-қувватлаш борасида биргаликдаги ҳаракатларни давом еттириши күзламоқдалар.

ҚозАхборот.

**ЕР ОСТИ
БОЙЛИКЛАРИ
ЭГАСИЗ ЭМАС!**

2

**ҚОРАБУЛОҚДА
ПРАЙМЕРИЗ
ИШТИРОҚЧИЛАРИ
БАҲСИ ЎТДИ**

3

**ОҚ БҮЛМАСА
БҮЛМАСИН,
ПОК БҮЛСИН**

6

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



janubiy.kz

Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнләри чиқады

2020 йил 24 сентябрь, пайшанба. №85 (2860).

ТИНЧЛИК – ОЛИЙ НЕЬМАТ



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИННИГ УМУМИЙ БАҲСЛАРИДА НУТҚ СҮЗЛАДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев БОШ АССАМБЛЕЯСИННИГ УМУМИЙ СИЁСИЙ БАҲСЛАРИДА ИШТИРОҚ ЭТДИ.

Президент бугунги дүнөнинг дол зарб муаммолари ва қыйинчилеклар, шу жумладан, коронавирус пандемиясига қарши кураш, дүнёвий иқтисодиёттің тиклаш, ядро қуролидан воз кеңиш ҳамда иқлім үзгаришини ҳал қилиш масалаларига тұхталды.

Қасим-Жұмарт Тұқаев, шүннингдек,

халқаро ҳамкорлик ва үзаро ишончны мустаҳкамлашда БМТнинг ролини күчайтиришга әထибор қаратди. Бундан ташқари, ҚР Президенти 2030 йилгача барқарор ривожланиш күн тартибини амалға ошириш, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш ва Марказий Осиёда мінтақавий саъй-харакатларни

жонлантириш масалаларига әထибор қаратди.

Шүннингдек, у мамлакатнинг ички сиёсатига оид масалаларни ҳам тилга олиб үтди, шу жумладан, «Халқ дардиди тинглайдиган давлат» концепциясими амалға оширишга тұхталды. Давлат раҳбари қатор халқаро ташабbuslарни ҳам тилға олди.

ҚозАхборот.

Үтгрор тұманида жорий йил бта иншоотда ободонлаштириш ишләри олиб борилмоқда. Чунончи, Үтгрор тұмани, Шаулдер овули, У. Аргинбеков күчасидеги 1,9 чақирим йүл ҳамда шу күчадаги (Шаулдер-Арслонбоб авто йүли) 1,77 чақирим оралиқда ободонлаштириш ва күкәламзорлаштириш ишләри олиб борилмоқда. Чунончи велойұл қурилмоқда, сояблар, тұнғы чироқлар үрнатылиб, атроф түсікілар билан үралмоқда.

Шүннингдек, Шаулдер овули, Буюк Ипак йүли күчаси бүйидаги “Буюк боболар истироҳат боги” иншооти ҳамда “Қасірет мемориалы” хиёбони тубдан таъмирланиб, гранит тахтачалар үрнатылмоқда. Ипак йүли күчасини ободонлаштиришнинг келгуси босқичида сугориш тизими, автотуаржой, піёдалар йұллакларини үрнатып ишләри йил охиригача тизимли равишда олиб борила.

Вилоят мінтақавий коммуникациялар хизматы.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА



Республика бюджети ҳисобидан ҳарид қилингандай компьютер ускуналары түркестонлик үқувчиларга тарқатылмоқда. Режаланған 7 711та планшеттің ярмидан күпі минтақага етказилиб, 3 682таси тарқатылди.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ЭЪТИБОРДА

Вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармасининг маълум қилишича, техниканинг қолған қисми яқин күнларда етказилади. Уларнинг барчаси қайтариб бериш шарти билан масофадан үқийдиган болаларга улашилади.

Түркестон вилоятида масофадан билим олувы 456 555 үқувчининг 85 595 нафарида компьютер йүк экани аниқланған, бу – 18,7 фоизин ташкил этади.

Үқув йилини бошланғандан буён мұхтож оиласыларга мактабдан 24 371та компьютер вақтінча фойдаланишга берилди, маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 288 дона компьютер ҳарид қилинди.

Шүннингдек, “Мактабға йүл” акцияси доирасида ҳоммийлар ҳисобидан 1 696та компьютер берилсі, ҚР Ҳукумати захирасидан 4000та планшет кам таъминланған оиласылар болаларға тарқатылди.

Шүннингдек, компьютер билан таъминланмаган 54 294 үқувчи масаласини ҳал қилиш учун 30 сентябрьға қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан 700та ноутбук ҳарид қилиш режаланмоқда. Таъқидлаш жоиз, Қозогистон Ҳукуматининг захира маблагидан 25 сентябрьға қадар 5000та ноутбук, 30 сентябрьға 3711та планшет, 5952та компьютер 25 октябрьгача 1000та ноутбук, 30 октябрьгача 2 8527та ноутбук ҳарид қилиш күтілмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбут хизматы.

БАЙДИБЕКДА ИССИҚХОНА МАЖМУАСИ ОЧИЛАДИ

Тұманда үилига 800 тонна маҳсулот етишириш құвватыға эта “Бақыт-Испан” МЧБ замонавий иссиқхона мажмұаси бар-по этилмоқда. Майдони 5 гектарлар мажмұада 60 одам иш билан таъминланади. 2019 йил август ойда курилиши бошланған мажмұа жорий йилда фойдаланишга топширилади.

Тұманда биринчилардан бўлиб иш бошлаган “Бекет Тынысбаев” МЧБда 12 одам ишлайды ва үилига иккى марта ҳосил олинмоқда.

Биринчи мавсумда помидор экилса, иккінчишида бодринг етиширилади. Хўжалик соҳибаси Амина Сиздиқованинг айтишича, бир йил мобайнида 70 тонна маҳсулот олинниб, асосан Шимкент бозорларыда сотилган.

Байдибек тұманида бугунги кунда 2539та хўжалик фаолият ўрталығында 539129 гектар майдонда 8 ой давомыда 17 млрд. 333,5 млн. тенгелик маҳсулот етиширилди.

Вилоят мінтақавий коммуникациялар хизматы.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ЭГАСИЗ ЭМАС!

Бугунги кунда ўз фойдасини ўйланлар давлат муҳофазасига олинган ер ости бойликлари ва турли табиий захиралардан ноқонуний фойдаланишмокда.

Түркестон вилояти Сайрам туман полиция бошқармасининг ходимлари ер ости бойлигидан ноқонуний фойдаланётган шахсларни аниқлади.

Сайрам туман полиция бўлимига "Сув инспекцияси" ИЧШдан Ақсуқент қишлоғига қарашли Ақсу ўзани бўйида номаълум шахслар шағал қазишаётганини айтишиди. Табиат жонкуярларининг хабарига кўра, тезкор-тергов гурухи воқеа ўрнига етиб келди. Маҳаллий икки фуқаро "Хюндай" русумли трактор ва "Камаз" юк машиналари билан ҳеч қандай хужжатсиз ноқонуний равишда шағал қазиётгани аниқланди. Қурилиш учун зарур маҳсулотни сотиб олишни эп кўрмаган уддабурролар мана шундай йўл билан табиатга зарар келтиришган. Энди улар бу иши учун қонун олдида жавоб беришади.

Бундай шахслар тарозининг бир палласида ўзининг ноқонуний харакати ва шахсий манфаати турса, иккичи палласида бутун элнинг манфаати турганини тушиунишлари лозим.

"Жанубий Қозғистон"
мухбири.

ЧОРВАСИ МЎЛНИНГ БАРАКАСИ МЎЛ



Тўлебий туманида «Ырыс» микронасия ташкилоти орқали ўз ишини очиб ёки ривожлантириб келаётган тадбиркорлар сафи йилдан йилга кенгаймоқда. Улардан бири – чорвадор-тадбиркор М. Ўспанов ўтган йили ушбу микронасиялаш ташкилотидан 3 млн. тенге олиб, фермасидаги бўрдоқиланаётган қорамол сонини 50дан ошириди.

Озодлик қишлоғининг турғуни Икром Аброржон 2019 йили "Ёш тадбиркор" дастури доирасида тадбиркорлик мактабида бир ой ўқиб, 505 000 тенге миқдоридаги қайтарилмайдиган грант олган. Унга автомашиналарнинг электр тармоғини таъмирлайдиган марказ очиб, бир кунда 10та машинага хизмат кўрсатмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 200-250 минг тенге фойда топмоқда. Марказда уч одам иш билан таъминланган.

Жорий йил "Натижали бандлик ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантириш"нинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастури доирасида туман бўйича 127 фуқаро 555 600 тенгелик бегараз грантга эга бўлди. Уларда 79 нафари маблагни чорвачиликка йўналтирилса, 38 фуқаро томорқада томчилатиб сурориши технологиясини жорий қилиши режалаштирган. Шунингдек, давлат грантига эга бўлган 10 нафар фуқаро тикувчилик цехи, сартарошхона, қандолатчилик цехи, уқалаш салонлари ва автомобиль таъмирлаш марказларини очиш учун сарфлайди.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

МУҲТОЖЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – УЛКАН САВОБ

Тўлебий туманида "BizBirgemiz" акцияси доирасида тадбиркорлар кам таъминланган ҳамда кўп болали оиласиарга 120 қоп ун тарқатди.

– Шундай қийин даврда ҳамюрларимизга ёрдам бериши фуқаролик бурчим, деб биламан. Шу сабабли, ушбу хайрли тадбирга ўз ҳиссамни қўшяпман. Энг муҳими, элизим омон, юртимиз тинч бўлиб, бошимизга тушган ушбу синовларни биргалиқда енгигб ўтамиз, деган ниятдаман, – дейди тадбиркор С. Аристанбекова.

Умуман олганда, Тўлебий туманида ҳозирги кунгача ҳомийлар ҳисобидан кам таъминланган оиласиарга 5 миллион тенгедан зиёд молиявий кўмак кўрсатилди.

МАКТАБЛАРДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

борилмоқда. Шунингдек, туман ҳудудидаги бошқа мактаблар қошида ҳам кўшимча иморат қурилимоқда.

Жорий йил май ойида бошланган учта таълим муассасаларининг яни, А. Байтурсынов, Г. Титов ва М. Ломоносов номли мактабларнинг таъмир ишлари 100 фоиз бажарилди. Ҳар мактабнинг ички ва ташқи пардозлаш ишлари

билан бирга электр ва сигнализация тизими тўлиқ янгиланган. Шу билан бирга, М. Ломоносов номли мактаб гимназиянинг оқава ва вентиляция тизими янгиланса, Г. Титов номли мактабга янги иситиш тизими ўрнатилди.

Түркистон
вилоятининг минтақавий
коммуникациялар хизмати.

"АҚЛЛИ" МОЛ БЎРДОҚИЛАШ МАЙДОНИ

Келес туманига қарашли Амангелди аҳоли манзилида "ақлли" мол бўрдоқилаш майдони ишга туширилди. Қурилиши 2 йил давом этган иншоотнинг умумий майдони ярим гектар. 300 бош қорамолга мўлжалланган хўжаликка Петропавл шаҳридан 32 бош "ангус" келтирилган. Бу ерда барча ишни робот бажаради. Чорвачилик билан шуғулланадиган Даурен Алимбаев кўпдан бўён шундай технологиядан фойдаланишни орзу қилиб юради.



– Дастрлаб, ишни ҳаваскор сифатида бошлаган эдим, кейин мутахассислардан маслаҳатлар олдим. Тўғри, соҳани мукаммал билмаганим учун бироз муаммоларга дуч келдим. Туман ҳокимининг қабулида бўлиб, ҳужжатлаштириш, субсидиялаш бўйича ёрдам сўрадим, – дейди тадбиркор.

Роботлаштирилган мол бўрдоқилаш майдонида бир одам ишлайди. Ишнинг асосий қисмини Россиядан олиб келинган "ахлат тозалаш" ускунаси бажаради. Тадбиркор бизнесини янада кенгайтириш мақсадида давлатдан имтиёзли насия олиш ниятида. У корамолдан ташқари, ийлқи, қўй бўрдоқилаш, сутни қайта ишлаш цехи қуришни мақсад қилган.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

биқ этилди.

Қишлоқ хўжалик техникини харид қилиш учун ҚР Индустря ва инфратузимий тараққиёт вазирлиги қарорига кўра дехқонларга «БРК-Лизинг» ҲЖ 7 фоиз устами ҳақ билан (15 фоиз дастлабки бадал тўланади) 7 йилга лизинг бермоқда. Шу мақсадда 2018 йили республика бюджетидан 3 млрд. тенге ажратилган бўлса, 2019 йили 3,5 млрд. тенге, жорий йилда 6,5 млрд. тенге ажратилди. 2021-2025 йилларда қўшимча 13,5 млрд. тенге ажратиш режаланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг 8 ойида мамлакатимиз корхоналарида 20,3 млрд. тенгега 1118та трактор ва 34,7 млрд. тенгега 736та комбайн ишлаб чиқарилган.

«Сыбага» давлат дастури доирасида ҳам қорамол наслини яхшилашга асосий эътибор қаратилмоқда. Туманда чорвачиликни янада ривожлантириш, аҳолини сифатли ва арzon маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашуви асосида асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик, йилқичилик каби тармоқларни кенгайтириш борасида изчил испоҳотлар амалга оширилмоқда.

«Жанубий Қозғистон»
мухбири.

РАИСЛАР РҮЙХАТДАН ЎТДИ

Ўтган ҳафтада Элбоши, партия Раиси Нурсултан Назарбаев “Праймериз” ахборот тизимида рўйхатдан ўтган эди. Бу ушбу сиёсий жараённинг ўта мұхимлигиги билдиради. Бугунги кунда партия раҳбарининг топшириғи билан мінтақаларда сиёсий беллашувни очиқ ва адолатли ўтказиш ўйналишида тадбирлар амалга оширилмоқда. Баҳслар қызғын тус олган.

Яқинда Туркистон вилояти ҳокими, партия филиали раиси Ў. Шўкеев “Праймериз” ахборот тизимида рўйхатдан ўтганини маълум қилди. “Кучли етакчилар – кучли партия” қоидаси бўйича ўтётган жараёнда жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларни қамраб олиш кўзда тутилган. Бу шабабус орқали партия аъзолари билан бирга жамият ҳаётига лоқайд бўлмаган, иқтидорли, креатив фуқаролар сараланиб чиқишига ишонаман, деди мінтақа раҳбари. Шунингдек, Туркистон вилоятидаги 16та туман, шаҳардаги партия филиалларининг раислари ҳам “Праймериз” ижтимоий тизимида рўйхатдан ўтдилар.

Туркистон вилоятида Nur Otan партиясининг 80 мингдан зиёд аъзоси бор. Унинг 70 минг нафари онлайн, 10 минг нафари анъанавий усулда овоз бериши режалаштирилган.

Партияning Туркистон вилояти ҳамда туман, шаҳарларидағи филиаллари ушбу фуқароларнинг маълумотларини тўплаб, “Праймериз” ахборот тизимиға киритмоқда. Улар 1-3 октябрь оралиғида праймериз иштирокчилари орасидан ўзлари танлаган номзодларга овоз беради.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

PRIMARIES 2020

Сайрам туманиндағы Қорабулоқ қишлоғи Маданият уйда Nur Otan партияси праймеризига иштирок этётган номзодларнинг фуқаролар билан учрашуви ўтди. Унда “Жанубий Қозогистон” газетаси Директор-бosh муҳаррири А. Сотовдиев, “NIK” корпорацияси президенти Б. Нишонкулов, “Сихым-Олжас” МЧБ директори С. Сағиндиқов, “Дента Нұр” тибиёт маркази директори М. Есалиев, “Elnur TV” телеканали директори Ф. Файзуллаев, “Қайып ата” МЧБ директори С. Ертаев, “ЦветЛит” МЧБ бош директори Б. Айтқулов ҳамда “Халық банк” ҲЖ Сайрам туман филиалининг Қорабулоқ бўлими раҳбари Р. Балқибеков иштирок этдилар.

Тадбирда Сайрам тумани ҳокими, Nur Otan партияси туман филиалининг раиси У. Садибеков сўзга чиқиб, жорий йилги праймеризга туман бўйича жами 76 нафар фуқаро қатнашатганини таъкидлади. Бундан кўзланган асосий мақсад – депутатликка номзодларнинг партияий рўйхатини рақобатбардошлиқ ҳамда асосли равишда аниқлаш эканини таъкидлади ва барча иштирокчиларга муваффақият тилади.

Шундан сўнг номзодлар сайловолди дастури ва режалари билан кўпчиликни таништирилар.

“Жанубий Қозогистон” газетаси директор-бosh муҳаррири А. Сотовдиев келгусида вилоят, туман аҳолиси ора-

ҚОРАБУЛОҚДА ПРАЙМЕРИЗ ИШТИРОКЧИЛАРИ БАҲСИ ЎТДИ



сида этнослараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилиб, ёшларда ватанпарварлик хусусиятларини шакллантириш, оила институтини ривожлантириб, сифатли ва заковатли авлод тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар уюштириш, бугунги дунёвийлашув жараённада йўқолиб бораётган “Каттага ҳурмат, кичикка иззат” каби имон тарбияси асосларини ёшлар онгига сингдириш, “Оқсоқоллар институти”, “Оталар мактаби” каби алоҳида жамоат тузилмалари фаoliyatinini қайта жонлантириш йўналишида мунтазам иш юритиш, милллий-уроф-одатларимизни тарғиб қилиб, мінтақаининг сайдиҳлик салоҳиятини ривожлантириш, инфратузилмасини такомиллаштириш-

да фаол иштирок этажагини маълум қилди.

“Сайловга тушишдан мақсадим, – деди у, – ҳозирги кунда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларда фаол иштирок этиш, энг мұхими – эл равнақи йўлида холис хизмат қилиш...”

Тадбир якунида баҳс-мунозара иштирокчилари учрашуvgа келган фуқароларнинг саволларига жавоб берishi.

3. МҮМИНЖОНОВ.

Суратда: Тадбирдан лавҳа.

С. ИСАМАТОВ суратлари.

100 ОИЛА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ



Шаҳар ҳокимининг топшириғига кўра, мегополис ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида иссиқхона мажмусида бир йиллик ҳамда кўп йиллик гул кўчватларини етиштиришга ўтибор қаратилмоқда. “Asap” кичик туманида ўтган йигинда ҳам соҳани ривожлантириш масалалари мұхокама қилинди. Үнга шаҳар ҳокими ўринбосари А. Саттибаев, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бошқармаси раҳбари А. Қанибеков, “Жасыл Жер” МЧБ директори Б. Байсақалов, “ЛТД Тўрмыс” МЧБ директори Ф. Садибеков ҳамда “Asar Agro” ширкатининг раҳбари С. Тастанов иштирок этди. Таҳлил ишларига кўра, бугунги кунда Шимкентда шаҳарни кўкаламзорлаштириш мақсадида жами 1,6 млн.та гул кераклиги аниқланди. Йигинда бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчватларини етиштириш ҳамда лойиҳани молиялаштириш учун “Asar Agro” ширкати, “Жасыл Жер” МЧБ ва “ЛТД Тўрмыс” МЧБ вакиллари ҳамкорлик меморандуми имзолашди. Лойиҳа доирасида агрошаҳарча ҳисобланадиган “Asap” кичик туманидан 100 оила иш билан таъминланди.

ОЗОДАЛИКДА ФАЙЗ-БАРАКА БОР

Ҳозирги кунда Шимкент шаҳар ҳудудида 490та ҷиңидихона ва 2039та ахлат қутиси бор. Уларнинг кўпинанча эскириб, фойдаланишга яроқсиз аҳволда. Мазкур мұаммони бартараф этиш мақсадида шаҳар ҳокими Мурат Айтенов ахлат контейнерларини давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида янгилаш вазифасини топширган эди. Ижтимоий ҳамкорлик лоийхалари доирасида шаҳарда кўп қаватли уй ҳудудида ахлат ташлайдиган янги металл күтилари ўрнатилмоқда. Жорий йилда жами 1376та контейнер ҳарид қилинади. Ҳозир уларнинг 376таси сотиб олиниб, 240таси ўрнатилди. Бу ишлар қаттиқ майший ахлатларни қайта ишлаш ва атроф-муҳит



екологик тозалигини сақлашда мұхим аҳамият касб этади. Янги контейнерларнинг махсус қопқоқлари енгил қолдиқларнинг шамолда учиб, ҳар томонга сочилишидан сақлайди. Бу борада шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган “Ikomek” тезкор хизмат кўрсатиш маркази очилган. Марказ мутахас-

ислари узлуксиз “109” рақами орқали шаҳар аҳолисидан тушган кўнғироқларни қабул қилишади. Бир ой мобайнида ушбу телефон рақамига 14 мингга яқин кўнғироқ қилинган, уларнинг 96 фоизи қаноатлантирилди.

**“Жанубий Қозогистон”
мухбири.**

ҚЎЧҚОР ОТА – НУРАФШОН МАНЗИЛГА АЙЛАНАДИ

...Шу кунларда Қўчқор ота дарёси бўйида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, қалбингизда фарҳ ҳамда ифтихор туйгулари жўш уради. Зоро, бундан уч йил аввал Элбошимизнинг ғояси, ташабbusi билан мегаполисга айланган шаҳардаги кенг қамровли қурилиш ишлари халқимиз ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятининг чинакам намунасиdir.

Шаҳарда шанбаликлар уюштирилиб, 30 турдаги 50 минг тупдан зиёд кўчат ўтқазилди. Кўпчилиги хориждан келтирилган каштан, эман, қора қарағай каби ноёб дараҳт ҳамда буталардир. Улар нафакат кўркамлиги, балки ўзидан кўп миқдорда кислород ажратиб чиқиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бинобарин, инсон ҳайрли ишлар килиш фикри билан яшамоги, она-юртнинг бугуни, эртаси, келажаги учун ўзини масъул, ҳис этмоғи зарур. Шунинг учун шаҳарда “Түғилган ер” дастури доирасида ҳам кўплаб маданий-ижтимоий иншоотлар барпо этилмоқда.

Қўчқор ота дарёси бўйидаги қурилишларнинг барчаси шаҳар ҳокимининг назоратида. Ҳар куни бу ерга дам олгани юзлаб қишилар келишади. Айниқса, кўёш ётоғига ботиб, намозшом сепини ёйганида, бу ергаги манзараги томоша қилиш мароқли. Ранг-баранг чироқлар ёғдусида маскан чинакам сайилгоҳга айланади. Йўлаклар бўйлаб борар экансиз, эмин-эркин юрган ҳамюртларимизни кўрасиз. Бунёдкор халқимиз ақл-заковатига таҳсил айтасиз. Тинчлик ва фаровонлик омили саналган Мустақиллигимиз абадий бўлсин, деган эзгу тилакни юракка жо айлайсиз.

Асанбай Асқаров номидаги Шимкент давлат дендрология хиёбони ДКХКнинг “Қўчқор ота” участкасида кузги санитария тозалик ишларидаги ҳам ўнлаб ишчилар қатнашмоқда.

Ҳозирги кунда карантин тартиби туфайли бу ерга келувчилар санитария меъёрларига қаттий риоя қилишмоқда.

“Жанубий Қозогистон” мухбири.



Nur Otan партияси праймеризига Түркестон шаҳридан номзод Зайнiddинова Дилрабо Асадулла қизи

Таржимаи ҳоли

Зайнiddинова Дилрабо Асадулла қизи 1978 йили 24 июлда Түркестон шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 2000 йили Элбошимиз Н. Назарбаев ташаббуси билан Түркестонда ошилган А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетида олий таълим олди. Шарқшунослик факультетини «Диншунослик ва араб тили ўқитувчиси» ҳамда 2005 йили Шымкент университетини «Қозоқ тили ва адабиётини фани ўқитувчиси ихтинослиги бўйича таомомлаган. Менхат фаoliyati тили ўзи таҳсил олган кўхна даргоҳ – Ҳамза номли 2-сонли мактабда қозоқ тили ва адабиётини фани ўқитувчилигидан бошлади. 2012 йили мактаб директорининг тарбия ишлари бўйича ўринбосари хизматига тайинланди ва бугунги кунгача шу лавозимда менхат қозоқ келмоқда. Самаралар меҳнати эвазига шаҳар, вилоят Nur Otan партияси, таълим ва фан вазирлиги ташаккурномалари, Қозогистон Халқи Ассамблейсининг «Ёшларга ватанпарварлик руҳда тарбия бергани учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўқувчилар орасида тарбия бўйича ўтказилган шаҳар, вилоят танловлари голибларини тайёрлаб, мактаб, шаҳар нуфузини юксалтиргани учун кўп марта мукофотланган.

Сайловолди дастури

Замонавий устоз сифатида дастурининг асоси сифатли таълим-тарбия, қадрдан Түркестоннинг маънавий-ижтимоий тараққиёти, инфратузилма равнақига бағишинанган. Түркестонда ёш авлоднинг мукаммал билим олиши, масофадан ўқитишини сифатли амалга ошириш, ўқув давомида ижтиё мой харитага киритилган ўқувчиларни кўллаш учун барча зарур эктиёжлар, жиҳоз-

**Эгамен элимииз, табаррук шаҳrimiz равнақи учун
кенг қамровли тинимсиз меҳнат – асосий шиорим.**



лар билан тўлиқ таъминланишига маҳаллий бюджетдан маълаб ажратилишига эришиш. Мактаб ва олий ўкув даргоҳлари ўқитувчиларининг нуфузини орттириш. Имконияти чекланган шахсларнинг мукаммал билим олишига шаҳроит яратиш, тарбия тизимини такомиллаштириш орқали ёшлар орасида турли иллатларнинг олдини олиш, ишсизлики камайтириш учун олий ва ўрта маҳсус ўкув даргоҳлари битирувчилари хамда ишсизларнинг муким иш билан таъминланишига кўллов кўрсатиш. Ёшлар орасида соглом турмуш тарзини фаол тарбиғ этиб, оммавий спорт билан шуғулланиш учун тўгаракларни кўпайтириб, халқаро даражадаги мусобақалар голибларини тайёрлашга интилиш. Шаҳар жамоат транспорти ва ўйлари баҳосини назорат қилиш, кам таъминланган оиласлар фарзандлари ва талабаларга 50 фоизлик имтиёз яратиш, мактаб ўқувчиларининг бепул юришини таъминлаш. Шаҳарнинг экологик аҳволини яхшилаш, тозаликни сақлаш, маънавий пойтахтизм Түркестон шаҳрини сайдёхлик маркази, хавфсиз шаҳарга айлантиришга бағишинан ган лойиҳаларнинг ҳётга жадал татбиқ этилишига ҳисса кўшиш.

Nur Otan партияси праймеризига Түркестон шаҳридан номзод

Аюпов Дониёр Мадихон ўғли

Таржимаи ҳоли

Аюпов Дониёр Мадихон ўғли кўхна Түркестон шаҳрида 1984 йили 7 ноябрда ишчи оиласида таваллуд топган. Маълумоти олий. Бир неча йил молия, қурилиш соҳаларида ишлаган. Түркестоннинг фидоиси сифатида қадрдан шаҳрини юксак эъзозлайди.



Сайловолди дастури

- Давлат ва маҳаллий ижроия органлари билан давлат дастурларининг амалга татбиқ этилишини назорат қилиш.
- Нафакадорлар, ногиронлар, кўп фарзандли оиласлар, бевалар, эҳтиёжданд фуқароларни ижтимоий қўллаб-куватлашни кучайтириш.
- Жамиятимизнинг асосий бойлиги – инсон ва унинг саломатлиги. Пандемия оғатига қарши чори сифатида 200 ўринли касалхона куриб, зарур жиҳозлар билан таъминлаш.
- Имконияти чекланганларнинг жамоат, ижтимоий жойларда эркин ҳаракатини таъминлаш.
- Шаҳарда йўловчи ташиш хизмати сифатини яхшилаш, кўп фарзандли оиласлар ва талабаларга 50 фоизли имтиёз бериш, мактаб ўқувчиларни бепул ташишни таъминлаш.
- Туркестонни хавфсиз шаҳарга айлантириш мақсадида барча мактаб, шифохона, спорт муассасалари ва ташкилотларини видео назорат ускуналари билан таъминлаш.

Түркестонга фаол хизмат қилиш – муқаддас фарзандлик бурчим.

Халқаро тинчлик куни нишонланди

Ушбу сана муносабати билан Тўлебий тумани мактабларида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ҳусусан, Ленгер шаҳридаги 5-сонли мактаб-гимназияда “Тинчлик – фаровонлик” мавзууда ўтказилган маърифий тадбир, спорт мусобақалари ўшларни бир мақсад ийлида бирлаштирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тинчликнинг инсон учун аҳамияти, уни кўз қорачигидек асраш зарурлиги, осойишталик бўлсагина ҳаёт фаровон бўлиши, ўшларни тинчлик-севарлик руҳида тарбиялаш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

– Халқаро тинчлик куни 1981 йилда БМТ Баш Ассамблеяси томонидан жорий этилган. 39 йил муқаддам қабул қилинган резолюцияда дастлаб мазкур сана сентябрь ойининг учунчи сесанбасида нишонланиши белгиланган эди. 2001 йилда БМТ яна бир резолюция қабул қилиб, мазкур сана 21 сентябрда нишонланишини эълон килди. Ҳар йили шу куни БМТ баш қарор-гоҳидаги 1954 йилда Япония томонидан совға қилинган “Тинчлик бонги” чалинади. 116 кг. оғирлигидаги қўнғироқ БМТга Истроил томонидан ҳада қилинган тош пойдеворга мустаҳкамланган, – деди тарих ўқитувчisi Т. Шарипова. – Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, этнослараро тутувликни кўз корачигидек асраш барчамизинг фуқаролик бурчимиш. Бугунги тадбир ўшлар онгидага ана шундай туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

«Жанубий Қозогистон» мухбири.



Таржимаи ҳолим

Мен, Дўсметов Тоҳир Ҳасан ўғли 1982 йил 29 июнда Жанубий Қозогистон вилояти, Тўлебий тумани, Кўксаёй қишлоғида туғилганман. Оиласи, уч қизининг отасиман. 1999 йили М. Ауэзов номидаги ЖҚДУга “Жисмоний тарбия маданияти ва спорт” ихтинослиги бўйича ўқишига кириб, таълим олии баробарда Қорамурт қишлоғидаги Гимназия-мактабидаги жисмоний тарбиядан дарс бера бошладим. 2005 йили ўкув жараёнда янги технологияларни кўллаш борасидаги ютуқларим инобатга олини, 1-сонли мактаб-гимназиянинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинландим. 2015 йил май оиддан бошлаб мактаб директори лавозимга тайинландим. Олий тоифали педагог сифатида қатор дипломлар, Ташаккурномалар, нишонлар билан тақдирланганман. Республика “Билим чўққиси – илм-фан сири” таҳририяти (Таълим ва фан вазирлиги) махсус комиссиясининг 2015 йил 26 декабрдаги қарори билан “Эъзозли мактаб

Nur Otan партияси праймеризига Сайрам туманидан номзод

Дўсметов Тоҳир Ҳасан ўғли

директори” кўкрак нишони, ҚР ЖҚВ вилояти “Qurmət-AB” ЖБнинг “Таълим ишининг илгори” медали билан тақдирланганман.

Бундан ташқари, Nur Otan партияси, ҚР Таълим ва фан вазирининг Ташаккурномалари, “Мустақилликка 25 йил” медали соҳибиман.

Хурматли ҳамюртлар!

Она юртимининг тарихи ва халқимининг бошидан ўтган қийин даврларни яхши биламан.

Олий ўкув юртни битириб, таълим соҳаига ишга жойлашганимдан бўён минтақани ривожлантириш йўлидаги турли тадбирларда, айниқса, ахолининг билим даражасини ошириш, соҳани тараққий эттиришида фаол қатнашиб келаман. Бу йўналишдаги ютуқларимдан кўччилик хабардор. ҚР Президентининг жорий йилги маҳаллий маслаҳатларга депутатларни саралаш ҳакидаги Фармони чиққандан бўён туман маслаҳати депутати бўлишга бел бўладим.

Минтақа тараққиётiga оид барча масалалар туман маслаҳати депутатлари орқали ҳал этиб келинмоқда. Қишлоқда ҳам ижросини кутаётгандан мумонлар бисер.

Шунинг учун сайловчиларнинг ишончига кириб, депутат мақомига эга бўлсан, Қорамурт қишлоғига кўйидаги долзарб масалаларни ижобий ҳал қилишга киришаман:

1. Қорамурт қишлоғига мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳечи фаoliyati тикилашни аҳоли таклифларини инобатга олиб, амалга ошириш;

Маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги корхоналар очилишига ҳисса кўшиш;

2. “Нурий йўл” дастури доирасида:

Кўксаёй – Оқсувент йўли қурилишини битириш;

Кишлоқ ичкарисидаги йўллар қурилишини тутатиш;

3. Янги ижтимоий сиёсат доирасида:

Маҳаллий ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш;

Ёш оиласлар ва навбатда турган оиласларни ер, бошлана билан таъминлашга кўмаклашиш;

Соғлини сақлаш ва таълим соҳасини илфор жаҳон андазалари даражасига етказиш;

Ёшлар ташабbusларини имкон қадар кўллаб-куватлаш, уларнинг бепул ўқиб, мутахасис бўлишишларига шаҳроит яратиш.

4. Этнослараро тутувлик ва бирдамликни муҳофаза қилиш:

Қозогистон халқи Ассамблеяси билан биргаликда жамиятдаги бирлик ва барқарорликни ривожлантиришга ҳисса кўшиш;

Кишлоқ миқёсида давлат тили доирасини кенгайтириш чора-тадбирларида ташабbusлорни бўлиши;

Элбинонинг “Мангу эл” фоясини амалга оширишда, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадидаги тадбирларни кўллаб-куватлаш.

5. Уюшган жиноятчиликка ҳарни курашда:

Ҳар қандай соҳада ҳам уюшган жиноятчиликка йўл бермасликка ҳамда фуқароларнинг ҳукуқий саводхонлигини оширишда маҳаллий ижро органлари билан яқин алоқада бўлиш.

NUR OTAN ПАРТИЯСИ
ПРАЙМЕРИЗИГА ТУРКИСТОН
ШАХРИДАН НОМЗОД

ВОСИТОВА ҮГИЛЖОН СОБИРЖОН ҚИЗИ

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Воситова Үгилжон Собиржон қизи 1980 йили 13 июлда Туркистан шаҳрида туғилган. Х. А. Яссавий номидаги Ҳалқаро қозоқ-турк университетини «Хуқуқшунослик» ихтисоси бўйича имтиёзли диплом билан татомомлади. Мехнат фаолиятни 2001 йили мамлакатимиздаги машҳур, бузунги кунда 1500дан зиёд мутахассисларни доимий иш билан таъминлаётган «Ақ жол» МЧБда ҳуқуқшунос сифатида бошлади. 2012-2016 йиллар оралиғида «Ясси қуриши» МЧБ директори сифатида раҳбарлик лавозимида самарали меҳнат қилди. 2016-2018 йилларда «Ясси Ойл» МЧБ директори, 2019 йил июнидан эса «Туркистан АгроФХИ» МЧБ директори. Умр ўйлодши Воситов Яшнаржон Муҳаммаджон ўғли хусусий тадбиркор. Фарзандлари Гулчехра, Севара оиласи. Кенжас фарзандлари Үгилой ва Ҳожиакбар ўрта мактабда аъло баҳоларга таҳсил олишишоқда.



САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

ФАРОВОН ВА БИРЛИГИ ЯРАШГАН ТУРКИСТОН УЧУН

Ҳурматли туркистанликлар, партиядошларим билан янги бўғин «Жас Отан»!

Биз, замондошлар, Янгиланган Қозғистон замондошимиз! Элбошимиз Нурсултан Абишули Назарбаев раҳбарлигидаги Nur Otan партиясининг эл фаровонлиги ва берлиги борасида бугунгача бажарган ишлари залворли ва салмоқли. Nur Otan партиясининг дастури – элимиз ва минтақамиз тараққиётига йўналтирилган аниқ ҳаракат режасидир. Менинг сайловолди дастурим кўплаб янги иш ўринларини яратган тадбиркор раҳбар, бошқариш тажрибасига эга замонавий кадр сифатида қўйидаги аниқ, теран таҳлилга асосланган йўналишлардан иборат. Бу эса аҳоли фаровонлиги ва яна кўплаб янги муқим иш ўринлари яратилади, демакдир.

Биринчи, Туркистонда кўп соҳали агросаноат мажмуасини барпо этиш;

Иккинчи, Туркистон шаҳар сервис хизмат кўрсатиш марказини очиш;

Учинчи, маҳаллий ижтимоий ҳимоялаш шўъбасига янги жўш-қинлиг багишлаш;

Тўртинчи, Туркистон – замонавий шаҳар;

Бешинчи, шаҳардаги янгидан бунёд этилган мухташам хиёбонлар билан арбат майдони ҳамда жамоат жойларини бепул интернет тармогини таратиш тизими билан таъминлаш;

Олтинчи, кўхна Турон маданиятига хос «От спорти клуби»ни ташкил этиш ва отчопар (ипподром) мажмуасини бунёд этиш;

Еттинчи, Туркистон шаҳрида вилоят марказига хос соғломлаштириш марказини очиш;

Саккизинчи, спорт майдонлари ва соғломлаштириш иншотлари қурилишини ташкил этиш;

Тўқизинчи, хусусий тадбиркорликка ҳар томонлама кўплов кўрсатиш;

Үнинчи, «Оддий буюмлар иқтисодиёти» дастури доирасида кичик тадбиркорликка кўмак кўрсатиш.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳурматли Элбошимиз, Тўнгич Президентимизнинг 2018 йил 19 июндан 702-сонли тарихий Фармони билан ташкил этилган Туркистон вилояти ҳамда унинг маркази Туркистон шаҳри равнақига барчамиз масъулмиз. Кўп асрлик шонли тарихга эга кўхна Туркистон ҳалқаро даражадаги туркийлар маданият ва туризм маркази даражасидаги нуфузли шаҳарга айланмоқда. Бу барчамиз учун юксак масъулият юклайди.

Мамлакатимиз, минтақамиз, қадрдан Туркистонимиз яшнаб, фаровон бўлиб, фуқаролари меҳнатга муносиб ҳаёт кечиришлари учун фаол хизмат қиламан. Янги иш ўринларини яратиш, кичик корхоналар бунёд этиш, бирлигимиз ҳамда ҳамжиҳатлигимизни тарғиб қилиш – асосий эътиборимда. Элбошимизнинг «Келажакка йўлланма: маънавий янгиланиш» дастури доирасида ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўлини буғунги ёш авлодга намуна этиб иймонлилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш даркор. Юқорида баён этилган, аниқ таҳлил ва режаларга асосланган сайловолди дастуримни амалда ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида праймеризга иштирок этиб, номзод сифатида дастуримни баён этдим. Эндиғи танлов сизлардан... Ҳар қандай таклифларингиз ва мулоҳазала-рингизни тинглашга тайёрман.

Кенгашганга – кенг дунё. Ишларингизга омад, оиласларингизга омонлик тилайман.

Кўхна ва навқирон Туркистон тараққиёти учун биргалиқда, ҳамжиҳатлиқда нурли мақсадларни кўзлаб Nur Otan партияси раҳномалиги остида олға, азиزلар!

NUR OTAN ПАРТИЯСИ ПРАЙМЕРИЗИГА КЕНТОВ ШАҲРИДАН НОМЗОД

ОТАЕВА НАСИБА СОБИРЖОН ҚИЗИ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

- Мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кўллаш.
- Хотин-қизлар тадбиркорлигини кўллаш, ривожлантириш.
- Экологик тоза Кентов.



ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Отаева Насиба Собиржон қизи 1987 йили 23 январда Туркистон шаҳрида туғилган. Аҳмад Яссавий номидаги Ҳалқаро қозоқ-турк университетини инглиз ва турк тиллари ихтисослиги бўйича, 2008 йили эса бақалав даражасида татомомлаган. 2008-2010 йилларда мактуба мактубларни харид қилишга даявват этди. Шунингдек, Президент мамлакат маҳсулотларини харид қилишга даявват этди. Ватан ишлаб чиқариши кўллаш жамиятизининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Бугунги кунда барча жаҳон аҳли учун қўйин паллада мамлакат маҳсулотига бўлган эътиёж яққол сезилади. Коронавирус пандемияси ҳаётнинг барча жабҳаларида зарур маҳсулотлар билан ўзимизни таъминлашга ҳали тайёр эмаслигимизни кўрсатди. Шу муносабат билан Туркистон вилояти иқтисодиёти мустаҳкам, инфратузилмаси тараққий этган минтақа бўлишига имконият берадиган кўйидаги тавсияларими таклиф қиламан.

Биринчи навбатда сиёсий барқарорлик билан этнослараро тотувлини мустаҳкамлаш, жамиятнинг барча кучларини эзгулик, ижтимоий йўналишдаги ҳуқуқий демократик давлат қуришга сафарбар этиш. Умуминсоний қадриятлар, фуқаролар саломатлиги, хавфзиси ҳаёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш биринчи ўринга қўйилади.

ҚҮЙИДАГИ ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИНИ ТАВСИЯ ЭТАМАН.

- Туркистон вилояти мамлакат ишлаб чиқарувчиларни кўллаш иш режасини тайёрлаш. Иккинчи даражадаги банклар билан ҳалқаро тараққиёт институтларини жалб этиб, Туркистон вилоятида тадбиркорликни кўллаш-куватлаш бўйича маҳсус молиявий дастур ишлаб чиқиш.
- Nur Otan партиясининг вилоят бўлими базасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жамоат кенгашини тузиш. Кенгаш бизнес масалаларини жадал ҳал қилишида барқарор мунозара майдонига айланади.
- Хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича ишни жонлантириш, ҳалқаро компаниялар, сармоядорлар билан муттасил учрашувлар ташкил этиш.
- Фақат мамлакат маҳсулотлари асосида "Қозғистонда ишлаб чиқарилган" маҳсус савдо марказини яратиш.
- Ички ишлаб чиқариши кенгайтириш, инновацияларни жорий этиш ва ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ортириш учун юқори юқсак имкониятларга эга мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кўллаш доирасини кенгайтириш.
- Муштарак йўналишдаги хорижий корхоналарда таҳлилномани жорий этиш.
- Технологиялар трансфери ва жиҳоз сотиб олиш масалалари юзасидан тадбиркорлик мунособатларини ўрнатишни кўллаш.
- Фақат мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини тарғиб қилиувчи майдон барпо этиш.

«Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш» бўйича

- Тадбиркор хотин-қизлар учун маҳсус насиya ва грантлар бериш дастурини яратиш.
- «Атамекен» миллый тадбиркорлик палатаси, «Даму» жамғармаси ва бошқа тузилмалар тармоғи бўйича ўқитиши дастурларида хотин-қизларнинг иштирокини ортириш.
- Туркистон вилоятида ишини энди бошлаган тадбиркор заифаларни кўллаш-куватлаш учун хотин-қизлар бизнес инкубаторини ташкил қилиш.

БИЗ БИРГАЛИКДА ШАҲРИМИЗ, МИНТАҚАМИЗ ВА МАМЛАКАТИМIZНИНГ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИRAMIZ. БИРГАЛИКДА БИЗ УЛКАН КУЧМИЗ! ОЛҒА, ҚОЗҒИСТОН!



ЯРАТИШ, ЯНГИЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Хадемай истиқлолнинг 29 ийлигини нишонлаймиз. Ватанимиз босиб ўтган иўлга яна бир назар ташлаш, ўтган ийллар мобайнида эришилган ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган улкан ютуқларимизнинг нечоғлик буюклигини чуқур ҳис этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Фараз қилинг, сиз уй қурмоқчисиз. Аниқроғи, эски уйингилини янгиламоқчисиз. Агар шунчаки у ер, бу ерини таъмирлаб, безакларини ўзгартириб кўя қолсангиз, уй янгига ўхшаб қолади. Таъмир тез битиб, оила аъзолари кўп чарчамайди. Бу усувларин камчилиги ҳам бор – уч-тўрт ийл ўтиб, яна таъмирлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Агар шу уйингиз узоқ ийллар туриб, кейинги авлодларингизга ҳам хизмат қилисан, дессангиз, албатта, туб ўзгартиришларга қўл урасиз. Керак бўлса, деворларни, агар сизни қониқтирмаса, пойдеворни ҳам янгидан барпо этасиз. Бу ишда оила аъзоларингиз вақтнинчалик нокулайликларга сабр-тоқатли бўлиб, сизга ёрдам беришса, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинса, уй сифатли, барчанинг кўнглидагидай чиқиши муқаррар.

Биргина уйни янгилаш шу қадар масъулиятли ва нозик иш. Бундай янгилаш эҳтиёжи мамлакат миёсида пайдо бўлса-чи? Унда ечимини кутаётган муаммолар, бош қотиришга муҳтож масалалар минг чандон ошиб кетишини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Мустақиллик даври биз учун худди шундай янгиланиш даврига айланди, десак муболага бўлмайди. Ҳар қандай испоҳотда режа бўлади. Бизнинг режамиш – «Қозоғистон-2050» стратегияси.

«Қозоғистон-2030» стратегияси эълон қилинганида, аввалига унда белгиланган вазифаларнинг амалга ошишига ишонмаганлар кўп бўлди. Сўнг, натижанинг кутилгандан зиёд эканлигини кўриб, улар ҳам тан беришди. Бироқ ўтиш давридаги қийинчиликлар баъзида сабр-бардошимизни заифлаштириб кўйгани ҳам рост. Бугун ҳам танқид қилишни яхши кўрамиз. Масалан, тозалиқдан қониқмаётганлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот нарихи ошганидан норозилар ариза ёзиш билан банд. Аммо бу муаммоларни ҳал этиш учун ўзимиз амалда ҳаракат қиляпмизми?

Сиёсатта тўнкашдан нарига ўта оляпмизми? Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсишига ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни тушуниб ётмадик. Бозор иқтисодиётининг асосий қоидаси – ҳаридоргрор маҳсулотларни нархини ошириб бориш. Бирон маҳсулотга талаб қанчалик кучли бўлса, баҳо ҳам шу даражада юкори бўлаверади. Тўй, турли маъракаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаддан ташқари кўп сотиб олинаётгани, шу сабабли уларнинг баҳоси кўтарилаётгани сир эмас. Улар кўп ҳолларда исроф бўляпти. Шунинг учун Элбошимиз «Келажакка йўлламана: маънавий янгиланиш» дастуридан мақолосида бу масалага алоҳида тўхтади.

Негадир биз шахсий ҳаётимизни юртимиздаги жараёнлардан алоҳида қабул қилишга ўрганиб қолганимиз. Ислоҳотлар

ўз йўлига, мен эса нонимни топиб ейишим, бола-чақамни боқишим керак, дегандек. Оқибатда, расмий ҳабарлар, сиёсий ҳаёт билан фақат зарурат юзасидан гана танишамиз. Ваҳланки, юқорида тилга олинган уй ҳаммамизнинг дидимизга мос бўлишини истаймиз.

Айтмоқчимизки, ҳукуматимиз олиб бораётган ислоҳотларга синчковроқ бўлсак, шу боқиҷада ёрдамишина намоён этишимиз мумкин. Натижада, ҳаётимиз янги босқичга кўтарилади.

Шу билан бирга, баъзи давлат дастурлари ижросида камчиликлар, муаммоларга йўл қўйилмоқда. Бажариладиган ишлар ҳали кўп.

«Қозоғистон-2050» стратегик дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи галда ёшлар, аёллар, имконияти чекланган шахсларга касбий қайта тайёрлаш ва иш билан таъминлаш, шунингдек, ишсизларга моддий мадад бериш бўйича сифатли хизматларни ташкил қилиш, ёлғиз кексалар, ногиронлар, камхарж оиласлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича таъсирчан ва аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш механизmlарини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, меҳнат, аҳоли бандлариги ва ижтимоий муҳофаза соҳасидаги қонун хужжатларининг талабларига

риоя этилишини назорат қилиш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирларини, моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини амалга ошириш каби масалалар Ҳукуматнинг доимий ётбирида.

Ҳар қандай инсоннинг бефарқ қолдирмайдиган муаммо – табиий захиралардан оқилона фойдаланиш. Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш масаласида ҳам камчиликлар оз эмас.

Юқори малакали, замонавий билимга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг қалити ҳисбланаади. Лекин бунга тўла амал қилинганимизи?

Ёшларни касбий йўналтиришнинг самарали тизими ҳозиргача шакллантирилмаган. Уларнинг касб танлаш жараёни кўпинча тасодифий тарзда ёки ота-оналарнинг қарашлари ва ўсмирларнинг содда тушунчалари асосида кечмоқда. Аксарият ҳолларда ёшларимиз фақат ҳозирги кунда жозибали бўлиб туюлаётган мутахассисликларга интилоқда. Шуларни ҳисобга олиб, Элбошимиз Н. Назарбаев «Фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» тўғрисида Қонунини эълон қилиди.

Ёзувчи ва шоирларимиз ҳар бир касбнинг ўзига хос жозибаси бор эканлигини ёшларга тушунтирадиган асралар яратишлари керак. Бу – юқорида тилга олинган ҳужжатнинг талабларидан бири. Чунки, айни шу ёшлар билан мамлакатимизнинг энг катта умидлари, энг яхши орзулари боғланган.

Менинг сизларга муроҷаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саҳоватли заминимизда яшётган ҳар бир инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланishi учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

**Нурлан ҚЎЙБАҒАРОВ,
Тўлебий туман
маслаҳати котиби.**



● Акс-садо

ОҚ БЎЛМАСА БЎЛМАСИН, ПОК БЎЛСИН

«Жанубий Қозоғистон» газетасининг жорий ийл 17 сентябрь кунги сонида Авазхон Абдуфаттоҳнинг «Онаизоринг – замин» мақоласини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириши лозим топдим.



Сўнгги йилларда атроф-муҳитни покиза сақлаш, табиатга зиён заҳмат етказмаслик, бордию бунга амал қилинмас, тузатиб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келаётганилиги – бор гап. Олимларнинг аниқ ҳисоб-китобига қараганда, Ер бағридан қазиб, сўриб олинаётган табиий бойликлар адоқсиз, битмас-туганмас эмас, саноат, илмий-техник тафаккур шу зайлда ривожланниб борар экан, вақти соати келиб, фойдали қазилмаларнинг ҳам таги кўриниб қолади.

Инсон фаолияти туфайли атмосферага миллиардлаб тонна заҳарли моддалар кўтарилади экан, бунинг саломатликка таъсирини ўйламаслик мумкин эмас. Инсоннинг табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда жиддий муаммолар куртак ёза бошлагандага янги минг йилликка кириб келди. Иклиминг ўзариши, чиқиндиларнинг кўпайиши, сув захираларининг ифлосланиши тирикликтнинг ўзига катта хавф солмоқда. Дунё экологик тизимнинг емирилиши билан тўқнаш келиб туриди.

Мутахассисларнинг фикрича, экологик инқироз ҳудудларида инсоннинг умри умуммиллий даражадан 10-15 йилгача қисқариб бормоқда. Табиатни муҳофаза қилиш – давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири эканни ойдинлашди. Бу муаммо ўзининг инсоннингтага келтириши мумкин бўлган ёмон оқибатлари жиҳатидан ядро уруши ҳалқатидан кейинги ўринда туради. Оқибатини ўйламай, табиат мувозанатига билиб-билимай аралашувлар атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида ниҳоятда ташвиши ҳолатни вужудга келтиради.

Оламдаги мавжудотларнинг хусусиятлари, сифатлари, таркиблиари, синфлари ва ададлари баркамол ва уйғун этиб яратилган. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг «Фурқон» сурасида «Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди», деб айтган. Зоро, дунёдаги ҳар бир нарса – сув, тупроқ, ҳаво, тирик мавжудотлар ҳам Яратувчи томонидан муайян ўлчов билан, бир-бирига боғлиқ қилиб яратилган. Табиийки, бу мувофиқлик бузиладиган бўлса, тузатиб бўлмайдиган муаммолар келиб чиқиши мумкин. Инсон неъматларни қадрлаб, асраб-авайлаш, уларга зиён етказмай, мувозанати бузмай истифода этмоғи лозим. Афсуски, бунга ҳар доим ҳам амал қилинмайди.

Муборак ҳадисларда айтилишича, озодалик, тозалик ва умуман покизалик имон белгиларидандир. Мамлакатда истиқомат қиладиган барча аҳоли ўз оила аъзолари билан биргаликда бу борадаги аждодларимиз удумларини давом этиришлари хайрли ишлардан, деб ҳисблайман.

Ота-боболаримиз атроф-муҳитни боғ-чорбоққа айлантирганлар, дов-дараҳатлар ўтқазиб, дала-пайкалларни иҳоталаганлар, ариқлар қазилиб, шинам шийпонлар, ҳовузлар барпо этганлар, балиқларни урчитганлар, асаларилар боқанлар, гулзорлар бунёд этиб, атроф-муҳитни покизалаштирганлар. Гулҳовузлар бўйларида инсоннинг баҳри-дилини очгандар, умрларини зиёда қилганлар.

Момоларимиз тонгнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлиб, кўча дарвазанини биринчи бўлиб очган инсоннинг уйига барака киришини айтганлар. Ҳовли, хонадонларни тоза сақлашга келин-у, невараларни ўргатганлар. Аждодларимизнинг экологик юксак дидларига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Сув муқаддас ҳаёт неъмати ҳисбланиб, уни булгашга ҳеч кимнинг ҳадди сигмаган. Кимки сувни ифлослантиргудай бўлса, маҳалла-кўйнинг нафратаига учраган, эл-юрт унинг таъзирини берган, кўпчиллик олдида изза қилган. Бу ҳолат ўша киши томонидан яна тақрорланса, уни маҳалладан ҳайдаб юборишгача борилган. Ҳозир бунинг акси. Ўзанда машина ювиш, унга ахлат ташлаш, завод-фабрикаларнинг заарарли чиқиндилари ниқизи, қум, тош қазиб олиш одатий ҳолга айланди.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий ийлиги Мактубида таъкидлаганидек, барча неъматларнинг ўз ўрни, ўлчови бор. Ўз эҳтиёжларимизни, Ер ости, Ер усти бойликларимиздан тежаб-тергар гойдаланишимиз, асраб-авайлашнимиз, исроф қилмаслигимиз лозим. Табиатга зарар етказмаган ҳолда моддий ва маънавий бойликларни адолатли тақсимлашга, улардан ҳар томонлама оқилона фойдаланишга кулай имкониятлар яратиш зарур.

Экологик муаммолар давлат сиёсати даражасига кўтарили. Уларга энди муҳим илмий тадқиқотлар ва амалий тадбирлар объекти сифатида қаралаётганилиги айни муддаодир. Инсоннинг яшаш шароити учун экологик хавфсизликни таъминлаш ва одамлар соғлигини муҳофаза қилиш инсон манбаатлари учун жуда муҳим. Ҳаёт бу соҳада фаолликни, биргалишиб фаолият кўрсатишни тақозо этади. Истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг бежирим, атроф-муҳитнинг озода бўлишига нима етсин? Инсонни доимо тоза бўлиб юришга чорловчи «Поклигинг – соглигинг» деган мақола даъватига ҳамиша амал қилайлик. Халқимизнинг «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин» деган ҳикматли гапини унутмайлик.

Халқимизнинг обод бўлиши, гуллаб-яшнаши «Онаизоринг – замин» публицистик мақоласида ниҳоятда чуқур маъноли ифодасини топган.

**Абдуғани БОБОЕВ,
мехнат фахрийи.**

ОЧОФАТ КҮЛ ТИЛСИМИ

Дунё бүйлаб сирли жой-
ларни истаганча топиш мүмкін. Аммо излаш билан излашынг фарқи бор. Кимдир топади, бошқаси мұваффақиятсизликка учрайди, учинчисига табиат ўз сирини ошкор қылгиси келмай, жонини олади.



Қуида Австриядаги бир күл билан боғлиқ синоатлар ҳақида маълумот бермоқчымиз...

Альп төгларининг этагида жойлашган күлнинг номи – Топлиц-Зее (айрим манбаларда Топлицзе деб ҳам келтирилди). У Зальцбург (Австриядан 60 чақирим жануби-шарқда, «Үлкін тогъда» Бад-Аус-Зее якинида жойлашган. Үзүнлиги 2 чақирим, эни 400 метр, чукурлығы 100 метргача.

Күл инсонга ўз сирини сира очмаяпти. 1945 йилда АҚШ ҳарбий денгиз флоти ғаввослари күл тубига шүнғиши. Иккинчи ёки учинчі шүнғишидан сүнг күл уларнинг жонсиз танасини сув юзига чиқарып ташлади. Ғаввосларнинг ўтими сабаби аниқланмай қолаверди.

1946 йилнинг февралидә Топлиц-Зеега яна бир маҳсус экспедиция уюштирилди. Ишни дастлаб уч альпинист – Гельмут Майер, Людвиг Пихлер ва Ганс Хаслингерлар бошлашди. Альпинист деганимизга ҳайрон бўлманд. Негаки, күл қирғоғида тик қоялар бўлиб, энг аввало, юқоридан күлни синчилаб кузатиш режалаштирилган эди. Улар қоялардан Раух-фанг деб номланганини танадилар. Чунки унинг қоялари күл устида деярли осилиб турарди. Бирок қояга яқинлашган сари Хаслинпернинг бесабаб ҳадиги ошиб бораверди. Бу хақда шерикларига айтиб, кулгига ҳам қолди. Қўрқоқдан олиб, қўрқоқса солиши. Ҳатто, энг оғир камсишилар ҳам унга таъсир қилмади. Бекорга эмас экан.

Хуллас, у пастга, лагерга қайтиб келди. Шериклари эса кўтарилишда давом этишарди. Шундан сүнг бир ой ўтса ҳамки, улардан дарак бўлмади. Хаслингер ҳамма ёққа жарсола бошлади. Кутқарувчилар Раухфангнинг юқорисига чиқиб бориши.

У ердаги манзарадан эса барчанинг эти жимирилаб кетди. Пихлернинг қорни ёриб ташланган, Ичак-чавоқлари сафар халтасидан чиқди. Хуллас, Раухфангдаги қотиллик сирлигича қолаверди.

1952 йилда францияник география ўқитувчиси Жан де Сюз Топлиц-Зеенинг сирини очишига уриниб кўрди. Үзининг айтиши-

ча, нацистлар томонидан чўктирилган олтинглар белгиланган жойларнинг харитаси қўлига тушиб қолган экан. Жан де Сюзнинг жонсиз жасадини кутқарувчилик бир неча ҳафтадан сўнг топдилар. Унга тегишили барча асбоб-анжом ғойиб бўлган эди.

Ўша йилнинг ўзида, аниқроғи,

куз ойларida ҳазина изловчилар гамбурглик муҳандис Келлер ва касбий альпинист Герт Гернс ҳам ўз омадини синаб кўришга қарор қилишди. Кўлни юқориридан яхшилаб томоша қилиш учун Гернс қоялардан бирига тирмашиб чиқа бошлади. Аммо энг юқорисига етайдеганда ийқилиб, ҳалок бўлди. Жуда пишиқ арқон худди ўтқириб пичок билан кесилгандай чўрт узилиб кетган эди. Кейин «гамбурглик муҳандис» полицияга кўрсатма берадиганида сирли равишда ўқолди. Қайтиб уни ҳеч ким кўрмаган.

Хуллас, сир-синоатларга бой Топлиц Зее қурбонлари сони ийлдан йилга ортиб бораверди.

1962 йили германиялик тажрибали ғаввос А. Агнер күл тубига шўнгиди. Бир неча кундан сўнг унинг жонсиз танасини кўл суви сатҳида қалқиб турган холда топдилар. Полициянинг аниқлашича, сув остида ғаввоснинг орқа тарафидаги кислород узатадиган ичакни кимдир кесиб юборган.

Шунга қарамай, 1963 йилда кўлнинг айрим сирлари очилганда бўлди, лекин, кўлга уюштирилган расмий экспедиция аъзолари унинг тубидан 15та темир қутини юқорига кўтариб олиши. Улар ичидан нацистлар Германиясида «Бернгард операцияси» доирасида босилган жуда катта миқдордаги сохта фунтстерлинглар чиқди. Гестапонинг ишларига доир, концлагерлардаги тутқунлар рўйхати билан боғлиқ ҳужжатлар жойланган темир қутини топилганида эса расмий Бонедан катъий бўйруқ келди: «Экспедиция ишлари тўхтатилсан!» Бўйруқни олиб келганлар эса топилган кутиларнинг ҳаммасини мусодара қилиши. Афтидан, юқорида ўтирганлардан кимдир учинчি рейхга алоқадор сирларнинг фош бўлишини истамаган.

Топлиц-Зее тубида эса ҳали очилмаган сир-синоатлар жуда кўп. Кўлнинг ўзи ҳам тилсими ни очиши ниятида эмас. Лекин ҳазина изловчилар ҳамиша топилияти.

**«Звезда»
телеканали сайтидан.**

Бахтинидан очайли ё...

Лўлилар гипнози қандай таъсир кўрсатиши ва нима учун ундан узоқроқ юриш кераклиги ҳақида Россиянинг «Рамблер» сайти қўйидагиларни маълум қиласди.

«Сулув қиз, қизалогим, олтиним», деб чақирганда ўнг кўлингизни берсангиз, улар учун кифоя.

Лўлилар гипнози нейролингвистик дастурлашга ўхшайди. Унинг ҳеч қандай сирли жиҳати йўқ, яъни сехрли эмас. Улар одамларга руҳият орқали таъсир ўтказишидади. Ўнг кўлидан ушлаб, одам миясининг ўнг ярим шари фаолиятини тўхтатадиган нуқтани босишиади. Натижада гипнозчи одамнинг дикқат-эътиборини жалб этиб, унинг бошқарувини кўлга олади. Лўлилар гипнозининг техникаси айнан шунга асосланади. Биринчи навбатда, улар ташки эътиборни ички эътиборга ўтказишига уринади.

– Бир куни Бишкеқдан сотиш учун кийим-кечак олиб келдим, – ҳикоя қиласди шимкентлик тадбиркор. – Шимкент темир йўл вокзалида турмуш ўтогимни кутиб турган эдим. Бир лўли аёл келиб, «қизим, кел бир фол очиб кўяй», деди. Мен кераги йўқ, деб ўгирилган эдим, ўнг қўлимдан ушлаб, «Эринг сен у ёқда юрганинда хиёнат қилди», деди. Бўлди, караҳт ҳолатига тушириши мумкин. Улар одамнинг кайфиятсиз эканини пайқаб, баттар тушкун ҳолатга туширишади.

Таъкидлаш жоизки, улар дуч келган одамга яқинлашмайди. Таъжибида ва ички сезиши қобилияти туфайли улар одамлар орасидан гипнозга майиллиги борларни ажратади. Одатда гипноз сеанси одамлар кўп тўпландиган жойларда амалга оширилади. Айнан шундай ерларда одамларнинг дикқат-эътибори тарқоқ бўлади: шунда унинг дикқатини бир жойга жамлаш осон кечади. Одатда улар бозор ва



дўёнлар, вокзал, метро ёки савдо марказлари майдонларида изгиб юришади. Бунинг ҳам маъниси бор: бундай жойларга одамлар пул билан келиши аниқ, яна улар кўпчилик орасида дикқатини жамлашга қийналади. Айниқса, лўлилар гипнозни бозор айланышни ёқтирувчи аёлларга қаратишади.

Негаки руҳий номутаносиблик ҳолатидаги одамни жалб қилиш янада осон.

Лўлилар гипнози санъати авлоддан авлодга ўтиб келаади. Уларнинг ҳар бири – ўз ишининг устаси, одамнинг ҳар қандай мимикаси ва хатти-ҳаракатини сезадиган руҳшунос. Айнан шу боис улар гипнозига дучор бўлиш нюхоятда хавфли.

Таъкидлаш жоиз, гипноз ҳали яхши ўрганилмаган соҳа.

Б. РЎЗИМАТОВА.

● Мулоҳаза

ҚОРА КЎНГИЛ – ЯРА КЎНГИЛ

Киссавур. Бу «қасб» эгаларининг кимлигини ва уларнинг нима иш қилишини камдан-кам қишини айтмагандан, деярли ҳаммамиз биламиз. Ҳалқ орасида уларнинг яна «чўнтақкесар», «ўғри» деган номлари ҳам бор. Бир сўз билан айтганда, уларни гаевжум жойлар: бозорлар, автобус ва трамвайларда кўп учратиш мумкин.

...Кўчада кўшнимни учратиб қолдим. Қўлида рўзғор ҳалта. Бошини сарак-сарак қилиб, кулиб келарди. «Тинчлими?» десам, хохолаб кулиб юборди.

– Юқори бозорга, харажатга тушгандим. Бир киссавур чўнтағимдаги пулни қоқишириб олиди.

– Кўпмиди? – хавотирланиб сўрадим мен.

– Э, йўқ, – кўл силтади у. – Чўнтағимга йўлкира учун майдан-чўйдага деб иккى минг тенге солиб қўйгандим. Шуни олиди. Ич чўнтағимда юз минг тенге ойлигим бор эди. «Эпласанг ўғрилик қилмайсанми, номард. Бу ёқда шунча пул турганда кунинг икки минг сўмга колдими? Киссавурликни ҳам расво қилдинг!..»

Аслида бу кулгили нарса эмас. Орамизда уларнинг жабрини торғанлар ҳам анчагина.

Бундай вазиятга тушишни ҳеч кимга раво кўрмайман-у,

фараз қилинг, сиз бозор-учар учун анчагина пулни чўнтағингизга солиб, бекатга чиқдигиз.

Автобус ҳам келди. Бироз тиқилинч бўлса-да, бозорга тезроқ бориши учун сиқилиб-сиқилиб кириб олдингиз. Автобус юргач, ёнингиздаги йўловчиларнинг хатти-ҳаракатидан бироз нолигандай бўласиз. Бири сизга ўзининг бор юкини ташлаб суюниб олса, бошқаси ҳадеб сизнинг пинжингизга тикилаверади.

Шу ҳолатда бозорга ҳам етиб келдингиз. Автобусдан тушиб, қўлингизни чўнтағингизга соласиз. Бирор устингиздан бир чекал соvuқ сув қуйиб юборгандек бўлади. Буни қарангки, тийинигача хисобли пулингизга қўшиб шахсий гувоҳноманизни ҳам шилиб кетибди.

Сиз жазавага тушасиз, ўғрининг гўрига ғишт қалайсиз. Чўнтағингизга ўғрининг қўли кирганлигини сезганингизни, автобусдаги «йўловчилар» сизга бекорга тикилавермаганини ёнингиздагиларга айтасиз. Лекин ҳаммаси бефойда. Мабодо ўғрини тутган тақдирингизда ҳам пулингизни қайтариб олишини аллақачон шеригига узатиб юборган бўлади.

Одатда киссавурлар куз ва қиши фаслини яхши кўришади. Бу пайтда уларнинг эпчил бармоқлари жуда яхши «ҳосил» йигади.

Шу ўринда баъзи жабрлан-

ганиларнинг маслаҳатлари билан ўтколашсангиз, фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчидан, ҳеч қачон одамлар тирбанд бўлган жойлардан юрманг. Чунки бундай жойларда киссавурлар ҳар доим ҳозирнузир.

Иккинчидан, бошлиғингиздан дашном эшитадиган бўлсангиз ҳам тиқилинч транспортга чиқа кўрманг. Чунки киссавурлар, яъни бошқача айтганда «штатсиз кондукторлар» сизни текшириб ўтказишга шай бўлиб туришади.

Учинчидан, иложи борича кенг ва катта кийимлардан воз кечиб, ўзингизга ёпишиб турдиган кийимлар кийишга одатланинг.

Чунки бундай кийимларнинг чўнтақларига киссавурларнинг моҳир, аслида қинғир қўллари кириши жуда қийин.

Тўртинчидан, ёнингизда доим меъеридан ортиқ пул сақламанг. Ортиқча пул бўлса, ортиқча сарф-харажатлар ҳам кўпайиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ва ниҳоят, бешинчидан, доим огоҳ бўлинг. Нафақат ўзингизнинг, балки бошқаларнинг чўнтағига ёки сумкасига бегона кўллар кираётганини сезсангиз, бунинг олдини олишга шошилинг. Бу билан сиз кўпчилик азият чекишининг олдини олган бўласиз.

С. МИРЗО.

ХАЛҚАРО МУШОИРА ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Туркистон шаҳрида жойлашган Раҳимжон Қўчкоров хонадонидаги таъмдихона биносида Миртемир таваллудининг 110 йиллигига бағишиланган халқаро тадбир доирасидаги мушоирада Кентов ва Туркистандан иштирок этган голиблар тақдирланди.



Жами 56та ижодий иш соҳибларидан Туркистан ва Кентов шаҳарлари бўйича қатнашганларга «Ижодкор» адабий бирлашмаси раиси, «Адабиёт ва санъет» газетаси бош муҳаррири Абдураҳим Пратов, ўринбосари Баҳодир Оташ «Энг нуроний шоир» Айнiddin Абубакиров, «Энг нуроний носир» Мирзахон Адҳам ўғли, «Энг нуроний публицист» Бобоҷон Нурмуҳаммад ўғли, «Энг ёш ижодкор» Жалолиддин Нурмуҳаммад ўғли, «Фаол иштироки учун» Поччахон Бобоҷонов, Миртемир номидаги халқаро бадиий соврин соҳиби Долимжон Сайфуллаев, публицистикада иккинчи ўрин эгаллаган Светлана Юсупова, ўрта ёш гуруҳида биринчи ўрин соҳибаси Ирода Мухаммаджонова, назм йўналишида учинчи ўрин соҳибаси Мунира Назарова, ифодали ёддан ўқиш бўйича ғолиба Солиҳабону Ҳавасхонова, қўшиқ ижроси учун Шаҳриёр Отажоновларни муборакбод этиб, мукофотларини, дипломларни топшириши.

Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ҳошим Абдувалиев-нинг ўринбосари Ҳурсандек Низомов Кентов қишлоқларида иштирок этгандарга пул мукофотлари тақдим этиди. Туркистанлик ижодкорларга ҳам худди шундай иззат-икром кўрсатилди.



Навбатдаги мушоира – буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги ҳамда фидоий инсон, қарноқлик Ҳусан Садиров хотирасига (5 май 2021 йил) бағишиланадиган бўлди. Тадбирда галдаги вазифалар муҳокама килинди. Анжуманда фаол иштирок этган Алишер Навоий номли мактаб ўқитувчisi Мұхтарам Жұмабоеванинг муқаддас қўшиқ алла ижроси ҳақидаги мулоҳазалари тингланди. Ҳамза номли мактаб ўқитувчилари Ҳусан Убайдуллаев ва Шоҳиста Пўлатоваларга ҳам фидокорона межнатлари учун ташаккурнома ва мукофотлар топширилди. Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари, «Улес» хайрия жамоати жамғармаси раиси, фаол обуначимиз Райимжон Қўчкоровга Элбошимиз, Тўнғич Президентимиз Н. Назарбаев имзолаган мукофот – Қозогистон Халқи Ассамблеясининг

25 йиллиги медалини фаол жамоатчи Тойир Абдувалиев тантанали равища тақдим этиди. «Ижодкор» адабий бирлашмаси раиси ўринбосари, иқтидорли қалам соҳиби Баҳодир Оташга «Ибратли фуқаро» кўкрак нишонини Райимжон Қўчкоров тақдим этиди. Халқаро анжуманни ташкил этишдаги саъй-ҳаракатлари учун ёзувчи-шоир Абдураҳим Пратовнинг кифтига туркистанликлар номидан түн ёпилди. Миртемирнинг кариндоши, туркистанлик Сайдолим Йўлдошев онлайн тартибда ўтган халқаро анжумандан сўнг Тошкентдан Миртемирнинг ўғли, 72 ёщдаги Мирзатой ака кўнғироқ қилиб, самимий миннатдорчилигин билдирганини майлум қилди.

Тадбирда кўплаб ҳайрли ишлар ташкилотчиси Райимжон Қўчкоров Туркистанда барпо этаётган жоме масжиди қурилишига ёрдам берувчилар учун каспи голд телефон рақамини эълон қилди. Масжид қурилишига кўмак кўрсатиш орқали савоб изловчилар 8 701 605 82 10 телефоны рақамига баҳоликудраг маблағ ўтказишлари мумкин.

Тадбир поёнида барча иштирокчиларга, хусусан, «Жанубий Қозогистон» нинг фаол обуначиларига – 75 нусха обуна қилдираётган Тойир Абдувалиевдан бошлаб юқорида номлари зикр

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: Райимжон Қўчкоровга Элбоши Н. Назарбаев имзолаган мукофот тақдим этилди; тадбир иштирокчилари.

Муаллиф тасвирлари.

Бош муҳаррир – Алишер Фофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистан, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Ҳуршид ҚўЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкишо – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.



Табриклаймиз!

Туркистон шаҳри
Баҳодир ИРИСМАТ ўғли ва
Зулфия СОТИБОЛДИ қизига!

Сизларни олтин куз фаслида нишонланаётган таваллуд айёмларингиз муносабати билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, кўтариини кайфият ва эзгуликлар тилаймиз. Инсон учун энг биринчи бойлик – саломатлик саодати сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Фарзандлар ва невара-эваралар роҳат-фарогатини кўринг.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви ва «Карвонсарой» МЧБ жамоаси.

“Сайрам” коллежи – янги манзил, янги босқичда



Бундан 13 йил муқаддам фаолиятини бошлаган “Сайрам” коллежи нафакат Шимкент шаҳри, балки Туркистан вилоятининг турли шифохона ҳамда касалхоналари учун кўплаб малакали ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаб, эл орасида обўрў-эътибор қозонди.

Бу борада коллеж муассиси, профессор, тиббиёт фанлари доктори А. Баймагамбетовнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Раҳбар сифатида у, биринчи галда, коллеж моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиҳдий эътибор қаратди. Шунингдек, ушбу даргоҳга олий тоифали шифокорлар, ўрта маҳсус таълим соҳасининг етук ва малакали ўқитувчиларнинг жалб қилиниши, кам таъминланган оила фарзандларига маҳсус стипендиялар тайинланиши, турли маданий-маърифий тадбирлар, шаҳар, вилоят ва халқаро даражада спорт мусобақаларининг уюштирилиши талабаларга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда уларнинг маънавиятини юксалтиришдаги самарали ишлар бўлди.

Коллеж жамоаси жорий йилгача Сайрамдаги собиқ машиши хизмат кўрсатиш уйи биносида фаолият кўрсатди. Йилдан-йилга талабалар сони ортиб, бинони кенгайтириш, бинобарин, янги синфхоналар очиш зарур эди. Раҳбарият қарорига кўра, коллеж жамоаси яқинда даҳа марказида жойлашган, тадбиркор, спорт жонкуяри Қудрат Холмуродовга тегишили тўрт қаватли янги бинога кўчиб ўтди.

Шу муносабат билан яқинда бир гурӯҳ зиёлилар коллежининг янги биносини кўздан кечириб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, Амир Темур кўчасида жойлашган мазкур 5-қаватли ишоот виқори ва салобати билан эътиборингизни тортади.

Меҳмонларга пешваз чиқкан директорнинг ўкув ишлари бўйича ўринбосари А. Сабуров коллеж фаолияти ҳақида сўзлаб, шу кунларда машғулотлар масофадан юритилаётганини эслатди.

Дарҳақиқат, ўкув масканида мингдан зиёд талабалар билим олмоқда. Уларга юздан зиёд устоzlар сабоқ беради. Коллежда “Лаборатория диагностикаси”, “Фармация”, “Тиббиёт ҳамшираси”, “Даволаш иши”, “Стоматология” каби бешта ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлайдилар.

Дарҳақиқат, ўкув масканида мингдан зиёд талабалар билим олмоқда. Уларга юздан зиёд устоzlар сабоқ беради. Коллежда “Лаборатория диагностикаси”, “Фармация”, “Тиббиёт ҳамшираси”, “Даволаш иши”, “Стоматология” каби бешта ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлайдилар.

3. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муассис – Туркистан вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-й, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 априлда рўйхатга олиниб, КZ34VRU00022503 гувоҳнома берилган.

Буортма:
2496.

Нашр кўрсантичи – 65466.
Адади – 10270 нусха.

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонаси чон этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимкулов кўчаси, 22.

Навбатчи муҳаррир: Ҳуршид ҚўЧКОРОВ.